*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи**

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 15 ноябрь 1973 йил, пайшанба ◆ № 268 (15.742). ◆ Баҳоси 2 тийин.

## СОВЕТ-ЮГОСЛАВИЯ МУЗОКАРАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

13 ноябрь куни Киевда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан ЮСФР Президенти, Югославия Коммунистлар Союзининг Раиси Иосип Броз Тито ўртасидаги музокаралар давом эттирилди.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасидаги икки томонлама муносабатларнинг актуал проблемалари ўртоқлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида кўриб чиқилди. Жуда муҳим халқаро масалалар, шу жумладан Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳамда Яқин Шарқдаги вазиятга алоқадор масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Музокараларда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг ЮСФРдаги элчиси В. И. Степаков.

Югославия томонидан — ЮКС Президиуми ижроия бюросининг секретари С. Доланц, иттифоқ ижроия вечаси раисининг ўринбосари, ЮСФР ташқи ишлар иттифоқ секретари М. Минич, Сербия Коммунистлар Союзи Марказий Комитетининг раиси Т. Влашкалич, ЮСФРнинг СССРдаги элчиси М. Пешич қатнашмоқдалар.

(ТАСС).

## ЎРТОҚ ИОСИП БРОЗ ТИТОНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИДА БЎЛИШИ

КИЕВ, 13 ноябрь. (ТАСС). Югославия Социалистик Федератив Республикаси Президенти, Югославия Коммунистлар Союзи Раиси Иосип Броз Титонинг КПСС Марказий Комитети таклифига биноан Совет Иттифоқига қилган дўстона визити давом этмоқда.

Бугун Иосип Броз Тито, Л. И. Брежнев ўртоқлар ва уларга ҳамроҳ бўлган кишилар Украина ССР халқ хўжалигида илғор тажрибалар виставкасини бориб кўрдилар. Улар саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантиришда республика меҳнаткашлари эришган муваффақиятларни кўрсатувчи жуда кўп экспозициялар билан танишдилар. Республика қарийб юзта мамлакатга, шу жумладан, Югославияга ҳам ўз саноати маҳсулотини экспорт қилмоқда.

Украина деҳқонлари бу йил — 47 миллион тоннадан кўпроқ ғалла етиштириб рекорд ҳосил олдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий 9 миллион гектардан кўпроқ майдонга экилган ғалланинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 31,9 центнердан ҳосил олинганлигини меҳмонларга маълум қилди.

Виставка экспонатлари республикада фан-техника тараққий қилганлигидан, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият барқ уриб яшнаётганлигидан, совет халқларининг қардошлик оиласида эришилган ғалабалардан равшан далолат бермоқда.

«Фан» павильони меҳмонларнинг диққатини айниқса ўзига жалб этди. Украина ССР Фанлар академиясининг президенти, Е. О. Патон номли электр пайвандлаш институтининг директори академик Е. О. Патон республика олимлари ва мутахассислари муваффақият билан амалга ошираётган асосий илмий-техникавий вазифалар тўғрисида гапирди. У бутун мамлакат экономикасини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий тадқиқотларнинг юксак самарадорлигини уқтириб ўтди.

Шу павильонда графитни сунъий олмосга айлантирадиган автоматнинг қандай ишлаши намойиш қилиб кўрсатилди. Бу олмос ўзининг мустаҳкамлиги жиҳатидан табиий олмосдан қолишмайди. Бизнинг мамлакатимизда сунъий олмос биринчи марта Украина ССР Фанлар академиясининг ўта қаттиқ жисмлар институтида ҳосил қилинган эди. Шундай олмосларни кўплаб ишлаб чиқариш технологияси ҳам шу ерда вужудга келтирилди.

Л. И. Брежнев ва Иосип Броз Тито ўртоқлар олимларнинг химия соҳасидаги, ўта қаттиқ жисмлар ва медицина соҳасидаги янги ишлари билан ғоят қизиқиб танишдилар.

Л. И. Брежнев, Иосип Броз Тито ва Йованка Броз ўртоқлар виставканинг фахрий меҳмонлари китобига имзо чекдилар.

Югославиялик ва совет ўртоқлар шу куни шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, янги қурилишларини бориб кўрдилар.

Совет ва Югославия партия ҳамда давлат арбоблари кечқурун «Украина» маданият саройида Украина ССР санъат усталари ва бадиий ҳаваскорларининг концертини томоша қилдилар.

Залдагилар Л. И. Брежнев ва Иосип Броз Тито ўртоқларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига, Совет ва Югославия халқлари ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстлик шарафига табрик сўзлари янгради.

Зал ЮСФР, СССР ва УССР давлат байроқлари билан безатилган эди. Концерт бошланмасдан олдин ЮСФР, СССР ва УССР давлат гимнлари ижро этилди.

Концерт катта муваффақият билан ўтди.

## *БЕЛОРУССИЯ ССР ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ*

МИНСК, 13 ноябрь. (ТАСС). Бугун республика партия-хўжалик активининг йиғилишида Белоруссия ССР меҳнаткашлари 1973 йилги халқ хўжалик планини ва социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликлари, шунингдек, партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитети 1972 йилги декабрь Пленуми қарорларини амалга ошириш соҳасидаги вазифалари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров доклад қилди. У республика завод ва фабрикаларининг меҳнатчилари давлат планларини, мажбуриятларини муваффақиятли бажараётганликларини уқтириб ўтди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан область ҳамда шаҳар партия комитетларининг секретарлари, совет органлари ходимлари, саноат ва қишлоқ хўжалик коллективлари вакиллари ишлаб чиқаришнинг аниқланган резервлари тўғрисида батафсил гапирдилар, ишдаги нуқсонларни таҳлил қилдилар, уларни бартараф этишнинг конкрет йўлларини белгиладилар. Партия-хўжалик активи йиғилишида қизғин кутиб олинган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин сўзга чиқди. У тўққизинчи беш йиллик дастлабки уч йили планларини бажаришнинг муваффақиятли якунлари тўғрисида гапириб, 1974 йилда СССР халқ хўжалигини янада юксалтириш вазифаларига, шунингдек келгуси йилда Белоруссия ССР меҳнаткашлари олдида экономикани ривожлантириш соҳасида ҳал қилиниши лозим бўлган баъзи масалаларга тўхталиб ўтди.

1972—1973 йил қиш даврида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунлари юзасидан Белоруссия ССР КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи билан мукофотланган эди. Ўртоқ А. Н. Косигин шу байроқни республика раҳбарларига топширди.

Йиғилиш иштирокчилари республиканинг барча меҳнаткашларига мурожаатнома қабул қилдилар. Мурожаатномада беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йили планларини ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли тугаллаш учун ҳамда 1974 йилда янада юксак марраларни эгаллаш мақсадида зарур шарт-шароитлар яратиш учун куч-ғайратни сафарбар қилишга даъват этилади.

## Н. В. ПОДГОРНИЙ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Нигерия Федератив Республикасининг элчиси Жорж Т. Курубо Совет Иттифоқидан жўнаб кетиши муносабати билан 14 ноябрда Кремлда уни қабул қилди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида Совет-Нигерия муносабатлари масалалари, шунингдек актуал халқаро проблемалар хусусида фикрлашиб олинди. (ТАСС).

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА ҚАБУЛ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Демичев ВДРнинг СССРдаги элчиси Во Тхук Донгни ва Жанубий Вьетнам Республикасининг СССРдаги Муваққат ишлар вакили Као Ван Хунгни 14 ноябрда қабул қилди. Учрашув чоғида бўлган суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

## Улкан хирмон учун

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 14 ноябрга бўлган маълумот**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

| Областлар | Бир кунда | Мавсум бошидан | Шу жумладан машинада: бир кунда | Шу жумладан машинада: мавсум бошидан |
|---|---|---|---|---|
| Сирдарё | 0,10 | 122,42 | 0,04 | 136,18 |
| Андижон | 0,05 | 115,06 | 0,04 | 136,44 |
| Тошкент | 0,06 | 113,21 | 0,02 | 116,22 |
| Қашқадарё | 0,09 | 112,80 | 0,12 | 104,44 |
| Сурхондарё | 0,13 | 112,47 | 0,07 | 108,39 |
| Наманган | 0,21 | 110,41 | 0,06 | 149,80 |
| Самарқанд | 0,16 | 108,89 | 0,02 | 134,53 |
| Фарғона | 0,22 | 107,43 | 0,07 | 121,31 |
| ҚҚАССР | 0,32 | 106,38 | 0,24 | 107,76 |
| Хоразм | 0,17 | 105,07 | 0,15 | 102,01 |
| Бухоро | 0,19 | 87,83 | 0,42 | 98,49 |
| Республика бўйича: | 0,16 | 109,27 | 0,10 | 121,34 |
| Шу жумладан ингичка толали пахта: | | | | |
| Сурхондарё | 0,26 | 101,33 | | |
| Қашқадарё | 0,15 | 101,09 | | |
| Бухоро | 0.61 | 44,01 | | |
| Республика бўйича: | 0,27 | 96,83 | | |

# ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ БУЗИЛМАС ОИЛАСИДА

### *Белоруссия ССРга Халқлар дўстлиги ордени топширилди*

МИНСК, 14 ноябрь. (ТАСС). Белоруссия Совет Социалистик Республикаси Ватанимиз халқларининг бузилмас қардошлик оиласида саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришди.

КПСС, Совет давлати Белоруссия ССРнинг коммунистик қурилишга қўшган ҳиссасини юксак баҳоладилар. Республика иккита Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени билан мукофотланган. Бугун унинг байроғида Ватаннинг яна бир мукофоти — Халқлар дўстлиги ордени порлай бошлади. Бошқа республикалар қатори Совет Белоруссияси ҳам СССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги арафасида шу орден билан мукофотланган эди.

Орден топширилишига бағишланиб Белоруссия Компартияси Марказий Комитети билан Белоруссия ССР Олий Советининг қўшма тантанали мажлиси ўтказилди. Мажлисда партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари, фан ва маданият арбоблари қатнашдилар.

Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ф. А. Сурганов мажлисни очиб, шуни таъкидладики, Халқлар дўстлиги ордени Ленин партияси раҳбарлигида коммунистик жамият қураётган СССР халқларининг буюк, бузилмас қардошлиги рамзидир.

Совет Иттифоқи ва Белоруссия Совет Социалистик Республикасининг давлат гимнлари янграйди.

Залга Белоруссия ССР байроғи ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Эсдалик байроғи олиб кирилди.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросидан иборат составдаги фахрий президиумни баланд руҳ билан сайладилар.

Мажлис аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев номидан у ишчиларни, колхозчиларни, зиёлиларни — бутун белорус халқини Белоруссия ССР Халқлар дўстлиги орденига сазовор бўлганлиги билан қизғин табриклади. Меҳнаткашларнинг ССР Иттифоқини ташкил этиш ва мустаҳкамлашдаги, социалистик миллатлар ва элатлар дўстлиги ҳамда қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлашдаги катта хизматлари учун, Совет давлатининг иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий ривожига қўшган катта ҳисса учун ва СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан республика ана шу мукофот билан тақдирланди.

Совет Иттифоқида, деди А. Н. Косигин, ҳар бир республикани уйғун равишда ва ҳар томонлама ривожлантириш учун зарур бўлган сиёсий ва социал-иқтисодий шарт-шароитлар яратиб қўйилган. Уларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалардаги ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларидаги тўла тенг ҳуқуқлилиги бунинг гаровидир. Бутун мамлакат ва ҳар бир республиканинг манфаатларини ифодаловчи ягона план асосида ривожланаётган юксак даражада тараққий этган ва динамик Умумиттифоқ халқ хўжалиги бунинг гаровидир. Ягона ижтимоий ва давлат тузуми, ягона марксизм-ленинизм идеологияси, коммунизм қуриш барча халқларнинг ягона мақсади эканлиги бунинг гаровидир. Совет Иттифоқи халқлари ўртасида таркиб топган ижтимоий муносабатларнинг, ўзаро ҳурмат, қардошларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларининг янги типи бунинг гаровидир. Социалистик интернационализм ва унга асос қилиб олинган бутун дунё меҳнаткашлари туб манфаатлари билан социал идеалларининг муштараклиги бунинг гаровидир.

Халқимизнинг метиндек бирлиги, унинг Коммунистик партия теварагига жипслашганлиги мамлакатимиз равнақини, барча совет кишилари фаровонлигини, уларнинг келажагини мустаҳкам равишда гарантиялаб турганлигини тарих тажрибаси ишонарли тарзда кўрсатиб берди. Бинобарин, ҳар бир республикамизнинг муваффақиятлари бутун 250 миллионлик совет халқини бениҳоя қувонтиради. Шу сабабли, Белоруссиянинг Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланиши белоруслардингина эмас, руслар, украинлар, литваликлар, латишлар, қозоқлар, грузинларнинг, барча иттифоқдош республикалар меҳнаткашларининг ҳам катта байрамидир.

Белорус халқи ўз қардошлари — Совет Иттифоқи халқларининг зўр ҳурматига сазовор бўлди. Бу муносиб ҳурматни Белоруссия меҳнаткашлари социалистик революция ғалабаси учун, граждан уруши ва ажнабий интервенция йилларида Совет ҳокимиятини қарор топтириш учун олиб борилган курашда қўлга киритдилар. Бу ҳурматга белорус халқи социализм қурилишидаги фидокорона меҳнати туфайли, Улуғ Ватан урушидаги жанговар жасорати туфайли сазовор бўлди. Мардлиги ва меҳнатсеварлиги учун, сабот-матонати, қизғин ватанпарварлиги ва коммунистик идеалларга садоқати учун белорус халқини ҳурмат қиладилар. Белорус халқининг ўзи ҳам кўп миллатли мамлакатимизнинг ҳамма қардош халқларига сидқидиллик, ҳурмат билан қараётганлиги туфайли ҳам у ана шундай ҳурмат қозонди.

Ўзаро ҳурмат, қалин дўстлик, пролетар интернационализми, социалистик ватанпарварлик Совет Иттифоқидаги қардош халқларнинг бузилмас иттифоқини жипслаштириб турибди.

Бугунги Белоруссия, деди сўнгра А. Н. Косигин, кўп тармоқли саноати юксак даражада ривожланган, йирик қишлоқ хўжалиги механизациялашган ва маънавий ҳаёти гуркираб яшнаган республикадир. Партиянинг миллий ва иқтисодий сиёсати амалга оширилганлиги туфайли беш йилликлар даврида Белоруссияда замонавий автомобиль ва трактор саноати, кончилик, нефтни қайта ишлаш ва химия саноати, станоксозлик, электрон техника, аниқ приборлар, сунъий тола, пластмассалар, минерал ўғитлар ҳамда енгил саноат ва озиқ-овқат саноатининг хилма-хил маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этилди.

Белоруссия ривожланган қишлоқ хўжалигига эга бўлган пешқадам индустриал республикага айлантирилганлиги — белорус халқининг улкан хизматидир, унинг қунт билан тинимсиз қилган меҳнатининг натижасидир. Бунда Совет Иттифоқида яшовчи ва янги-янги чўққиларни эгаллашда белорусларга кўмаклашувчи қардош халқларнинг ҳам хизмати бор. Буларнинг ҳаммаси — халқ оммасининг ташаббусини ва меҳнат шижоатини коммунизм қуриш йўлидаги курашнинг яхлит бир ўзанига моҳирона йўллаб келаётган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси доно раҳбарлигининг натижасидир. Бу — Белоруссия партия ташкилоти ва унинг Марказий Комитети олиб борган ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг ажойиб якуни ҳамдир.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари партиянинг беш йиллик учинчи, ҳал қилувчи йили топшириқларини бажариш билангина кифояланмасдан, ошириб ҳам бажариш тўғрисидаги даъватига лаббай деб жавоб бердилар. Беш йиллик планни муддатидан аввал тўла ва ошириб бажариш учун бошланган социалистик мусобақа меҳнат ғайратини янада жўш урдириб юборди. Мусобақа давомида кўпгина янги, ижодий ишлар бошланди. Мамлакат саноат корхоналарининг коллективлари ўз резервларини чамалаб кўриб, бу йил қўшимча равишда тўрт ярим миллиард сўмлик маҳсулот беришга қарор қилдилар. Бу мажбурият ҳозирнинг ўзидаёқ ошириб бажарилди.

Белоруссия саноат корхоналарининг коллективлари ҳам юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилишган. Уларнинг иш натижаларига қараб бу мажбуриятлар ошириб бажарилади, деб дадил айтиш мумкин.

Сўнгра А. Н. Косигин Белоруссия ССР экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда эришилган марралар тўғрисида, партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларида бутун совет халқи олдига келажак учун қўйилган катта вазифалар ҳақида гапирди.

Кейинги уч кун мобайнида, деди А. Н. Косигин, биз Орша, Могилев ва Минскдаги бир қанча саноат корхоналарини, шунингдек Орша яқинидаги колхоз-совхоз бирлашмасини бориб кўрдик. Уларнинг баъзиларида мен илгари ҳам бўлган эдим. Шуни айтишим керакки, одамларимиз — ишлаб чиқариш ташкилотчилари, мутахассислар, ишчилар нақадар тез ўсаётганлиги, уларнинг касбий ва сиёсий билим доираси, янги вазифалар ва келажак режалари кўламига яраша ўйлаш ва ишлаш маҳорати нақадар ошиб бораётганлиги жуда катта таассурот қолдиради.

Одамларнинг, дарвоқе айрим кишиларнинг эмас, балки Совет Иттифоқи сингари бепоён мамлакатдаги кўпчилик одамларнинг маънавий қобилиятлари ва истеъдодлари бизнинг илғор социалистик тузум шароитидагина бу қадар қулф уриб, эркин намоён бўлиши мумкин. Бу — тузумимизнинг улуғвор ютуғи ва афзаллиги, илғор социалистик демократиямизнинг улуғвор ютуғи ва афзаллигидир. Буржуа тузуми ва буржуазия демократияси бунга тенг келадиган бирон-бир нарсани қарама-қарши қилиб қўя олмайди.

Белоруссия партия ташкилоти партия Директиваларини янада зўр активлик ва собитқадамлик билан, жанговарлик билан амалга оширишга, ҳамиша ва ҳар ишда улуғ устозимиз Владимир Ильич Лениннинг абадий барҳаёт васиятларига амал қилишга тайёр эканлигига шак-шубҳа йўқ.

Шундан кейин А. Н. Косигин Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи ва партия билан ҳукуматнинг ташқи сиёсат фаолияти масалаларига тўхталди.

Совет Иттифоқи, бутун социалистик ҳамдўстликнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати шу қадар ўсиб кетдики, эндиликда социализм системаси дунёдаги воқеаларнинг боришига тобора кучлироқ таъсир ўтказибгина қолмай, шу билан бирга жаҳон ривожининг асосий йўналишларини тобора кўпроқ даражада белгилаб ҳам бермоқда, деди у.

Партия билан ҳукуматнинг ташқи сиёсат фаолиятини совет халқи астойдил қўллаб-қувватламоқда, чунки бу фаолият халқнинг туб манфаатларига, социализм манфаатларига, бутун дунёда миллий озодлик ва тинчлик манфаатларига хизмат қилмоқда. Бу сиёсат барча халқларга тушунарли ва қимматлидир, тинчликсевар кучларнинг Москвада бўлиб ўтган жаҳон конгрессида бу нарса зўр куч билан таъкидлаб ўтилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг конгрессда сўзлаган ва программа характерига эга бўлган нутқида ҳозирги халқаро вазият партиявий нуқтаи назардан принципиал баҳоланди, ҳозир кескинликни юмшатиш ва халқларнинг хавфсизлиги учун курашда барча тинчликсевар кучлар олдида қандай вазифалар турганлиги тўғрисида чуқур хулосалар чиқарилди, партия билан давлатнинг тинчлик ва халқаро ҳамкорлик проблемаларига ёндашиши асослаб берилди. Леонид Ильич совет халқи номидан, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати номидан гапириб, тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатимизнинг энг асосий вазифаларидан биридир, деб конгресс қатнашчиларини ишонтирди.

Қардош социалистик мамлакатлар қарашлари ва ҳаракатларининг бирлиги — тинчликни мустаҳкамлашнинг ҳамда ҳамдўстлик мамлакатлари коммунистик ва ишчи партиялари съездларининг қарорларида, халқаро коммунистик ҳаракатнинг программ ҳужжатларида ўртага қўйилган мақсадларни юзага чиқаришнинг энг муҳим омилидир.

Кейинги вақтларда Совет Иттифоқининг Осиё, Африка ва Латин Америкасида антиимпериалистик позицияларда турган, тинчлик учун, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш учун курашаётган кўпгина давлатлар билан дўстона муносабатлари янада кўпроқ мустаҳкамланди.

Совет халқининг миллий озодлик ва социал тараққиёт кучлари билан бирдамлиги — халқаро турмушнинг энг муҳим омили эканлиги, бу омил халқларга антиимпериалистик курашда ўз қонуний ҳуқуқларини ва манфаатларини қарор топтиришда ёрдам бераётганлиги Ҳинди-Хитойда ҳам, Яқин Шарқда ҳам амалий равишда исбот бўлди.

Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати синфий сиёсатдир, бу сиёсат ишчилар синфимизнинг, колхозчи деҳқонларимиз, зиёлиларимизнинг манфаатларини, бутун социалистик жамият манфаатларини, бутун дунёда тинчлик ва социализм иши манфаатларини ҳимоя қилмоқда.

Қандайдир ғайри синфий ёки аксил синфий ташқи сиёсат ўтказадиган давлат дунёда бўлган эмас ва йўқ. Капиталистик давлатларнинг ташқи сиёсати ҳукмрон синфларнинг манфаатларини ифодалаши табиий. Бинобарин, капитализм билан социализмнинг синфий мақсадлари бир-бирига зид эканлигини, бир-бири билан келиша олмаслигини биламиз. Аммо, бир-бирига қарама-қарши бўлиб турган жаҳон системалари — социалистик ва капиталистик системалар ер юзида айни бир вақтда яшаб турганлигига ҳаётнинг ўзи далилдир. Шундай бўлиши ҳам қонуниятлидир. Жаҳон майдонидаги кучларнинг нисбати ўзгариб бораётганлиги шунга олиб келдики, энди буржуа жамиятининг ҳукмрон доиралари халқаро проблемаларни ҳарбий куч воситаси билан ҳал этиб бўлмаслигини тобора яхшироқ тушунмоқдалар. Ҳозирги шароитда тинч-тотув яшашгина халқаро муносабатларнинг бирдан-бир оқилона негизи бўлиши мумкинлигини улар кўрмасликлари мумкин эмас.

Совет Иттифоқи социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан биргаликда халқаро кескинликни янада юмшатиш, халқларнинг мустаҳкам тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, янги урушнинг олдини олиш учун бундан буён ҳам имкони бўлган ҳамма ишларни қила беради. Биз тинчлик масалаларига бундан бошқача назар билан қарашимиз мумкин эмас. Турмушимизнинг бутун уклади, социалистик тузумимизнинг характери, тузумимизнинг мақсади ва маъноси бузғунчилик эмас, балки халқ учун моддий ва маънавий неъматларни бунёд этиш эканлиги ана шуни тақозо этади.

Биз тинчликни мустаҳкамлаш ишида эришилган катта-катта муваффақиятларни қайд қилиш билан бирга, тинч-тотув яшаш принципларини турли тузумдаги давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ялпи нормасига айлантириш йўлидаги кураш зўр бериб ва, чамаси, узоқ вақт мобайнида куч-ғайрат талаб қилишини тўла-тўкис тушуниб турибмиз. Агрессив империалистик кучлар гарчи дунёдаги кучларнинг янги нисбати билан ҳисоблашсалар ҳам, ҳамон доимо хушёр бўлиб туришимизни талаб қиладиган сиёсатни ўтказиб келмоқдалар.

Пировардида А. Н. Косигин бундай деб таъкидлади: планетада тинчликсевар кучларнинг позициялари муттасил мустаҳкамланиб бормоқда. Бу эса партиямиз ташқи сиёсат соҳасида ўз олдига қўяётган олижаноб мақсадларга албатта эришамиз, деган ишончни тобора кучайтиради.

А. Н. Косигин тантанали мажлис қатнашчиларининг қизғин қарсаклари остида СССР Олий Совети Президиумининг Белоруссия ССРни Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттириб, орденни республика байроғига тақиб қўйди.

Бу орден Сизларга, деди у, кўп миллатли буюк мамлакатимиз ўзидаги барча халқларнинг дўстлиги билан кучли эканлигини ҳамда шу дўстликни сақлаш ва мустаҳкамлаш — ҳар бир совет халқининг, мамлакатимиздаги ҳар бир гражданнинг муқаддас бурчи эканлигини доимо эслатиб турсин.

Белоруссия шу дўстлик меҳробига ўз халқининг жами энг яхши бисотини сахийлик билан тортиқ этмоқда. бунга жавобан Белоруссия бошқа республикаларнинг халқларидан ҳам худди шундай армуғон олмоқда. Бу эса социалистик республикаларимиз иттифоқини қудратли ва бузилмас иттифоққа айлантираётган ўртоқлик, дўстлик, қардошлик муносабатларининг ўзгинасидир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров жавоб нутқи сўзлади.

Ватаннинг мўътабар мукофоти учун, Совет Белоруссияси ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлиларининг муваффақиятлари ва хизматлари тақдирланганлиги учун у КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига қизғин миннатдорчилик изҳор этди. Республика Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланганлиги юксак шарафгина эмаслигини, бу нарса олдимизга катта вазифалар қўйишини, олға чорлашини, партия, мамлакат томонидан Белоруссия олдига қўйилган катта ва мураккаб вазифаларни ҳал этиш учун зиммамизга улуғвор масъулият юклашини шаҳар ва қишлоқларнинг коммунистлари, меҳнатчилари жуда яхши тушунадилар.

Бутун турмушимиз, режаларимиз, ишларимиз ва зафарларимиз, дейди П. М. Машеров, совет халқлари дўстлигининг ҳаётбахш чашмаси билан узвий равишда боғлангандир. Совет Белоруссиясининг ҳар бир коммунисти, ҳар бир меҳнатчиси учун халқлар дўстлиги мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларнинг, марксизм-ленинизмга садоқат туфайли жипслашган, социалистик манфаатлар, буюк коммунистик идеаллар туфайли бирлашган миллатлар ва элатларнинг метиндек жипслигини ифодалайди. Одамларимизнинг қонига ва жонига сингиб кетган пролетар интернационализми олижаноб принципларининг енгилмас кучи халқлар дўстлигида ифодаланган. Биз босиб ўтган тарихий йўлнинг улуғворлиги ва шуҳрати халқлар дўстлигида ифодаланган.

Ўз равнақи учун Белоруссия Ленин партиясидан, социализмдан, халқларнинг бузилмас қардошлигидан миннатдордир. Белоруссия ўз равнақига Ленин партияси, социализм, халқларнинг бузилмас қардошлиги туфайли эришди. Совет ҳокимияти йилларида республикада саноат ишлаб чиқаришнинггина ҳажми 136 баравар, урушдан аввалги 1940 йилга нисбатан эса 17 баравар кўпайди.

Барча совет кишилари қатори Белоруссия меҳнаткашлари ҳам, деб таъкидлади нотиқ, КПСС билан Совет давлатининг доно ташқи сиёсат стратегиясини қизғин қўллаб-қувватлайдилар ва тўла-тўкис маъқуллайдилар. Халқаро муносабатлар ривожининг ҳал қилувчи соҳаларида кескинликни юмшатишда эришилган ютуқларни мустаҳкам, барқарор, янада муқаррар тус олдириш йўлидаги Ленин партияси, Совет давлатининг ўртоқ Л. И. Брежнев ифодалаб берган муттасил интилиши энг эзгу орзу-умидларга ва муддаоларга мос келади.

Мана шу унутилмас айёмда, деди сўзининг охирида П. М. Машеров, станоклар ёнида ва колхоз далаларида меҳнат қилаётганлар, илмий тадқиқотларни олиб бораётганлар, санъат асарларини яратаётганлар номидан, республикада моддий ва маънавий бойликлар ҳазинасига барака киритаётганларнинг ҳаммаси номидан биз Коммунистик партияни, унинг ленинчи Марказий Комитетини, Совет ҳукуматини тантанали равишда ишонтириб айтамизки, ўзимизнинг бутун ақл-заковатимизни, қалбимиз қўрини, қўлларимизнинг куч-қувватини КПСС XXIV съезди илҳомбахш қарорларини амалга оширишга, коммунизм буюк ишига бекаму-кўст бахш этамиз.

Тантанали мажлисда сўзга чиққан Минск автомат линиялар заводининг фрезерчиси А. В. Филич, Витебск областидаги «Перамога» («Ғалаба») колхозининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. А. Наумова, Белоруссия ССР Фанлар академиясининг президенти Н. А. Борисевич, А. М. Горький номидаги Минск педагогика институтининг студенти Надежда Жекалова Ватаннинг юксак мукофоти учун жонажон партияга, совет халқига қизғин миннатдорчилик билдирдилар.

Тенг ҳуқуқли иттифоқдош республикалар орасидаги тенг ҳуқуқли Совет Белоруссияси меҳнаткашлари ўзларининг бутун амалий фаолиятларида умумхалқ, умумдавлат манфаатларига биринчи галда амал қилиш тўғрисидаги энг муҳим шиорни муқаддас билиб бажарадилар, деб таъкидлашди нотиқлар. Ягона оила туйғусидан ҳам табаррукроқ, олижаноброқ туйғу йўқ.

Тантанали мажлис қатнашчилари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига табрикнома қабул қилдилар.

## *А. Н. КОСИГИН БЕЛОРУССИЯ ССР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ*

МИНСК, 14 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бугун Белоруссия ССР раҳбарлари билан учрашди. Учрашувда Белоруссия Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, область партия комитетининг биринчи секретарлари, область ижроия комитетларининг раислари, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида А. Н. Косигин хўжалик ва маданий қурилишнинг КПСС XXIV съезди қарорларидан келиб чиқувчи баъзи масалаларига, шунингдек ҳозирги халқаро проблемаларга тўхталиб ўтди.

